

**“Smart bank” акциядорлик жамияти**  
**Ягона акциядорининг**  
**2023 йил “ 7 ” сентябрдаги**  
**09/1 - сонли қарорига**  
**илова**

**Банкнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларига**  
**киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1. «Smart bank» акциядорлик жамияти Ягона акциядори тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами II-1 ва санаси 20.02.2023 йил):**

а) 6-банддаги ҳамда 12-банднинг “к” ва “л” кичик бандларидаги “Тафтиш комиссиясининг” сўзлари “Тафтишчисининг” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“7. Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, Банк Устави ҳамда мазкур Низом билан белгиланган ваколатлар доирасида Ягона акциядорнинг барча қарорлари “LEADER FINANCE” МЧЖ томонидан қабул қилинади ва ушбу Низомга мувофиқ расмийлаштирилади.”;

в) 12-банднинг “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“г) Банк Кузатув кенгаши сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳамда Банк Тафтишчисини тайинлаш.”

г) 17-банддаги “Тафтиш комиссияси” сўзлари “Тафтишчиси” сўзи билан ҳамда “Тафтиш комиссияси аъзолигига” сўзлари “Тафтишчисига” сўзи билан алмаштирилсин;

д) 8-банд чиқариб ташлансин;

е) 9-26 бандлар мос равишда 8-25 бандлар деб ҳисоблансин.

